НУТҚИЙ АКТДА УНДАЛМАЛАРНИНГ ЎРНИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Ф.Ибрагимова

Ушбу мақолада мураккаб синтактик бирликлардан бири ҳисобланмиш ундалмаларнинг нутқий актдаги ўрни ҳақида фикр юритилади.

***Калит сўзлар**: нутқий акт, локутив, иллокутив ва перлокутив акт, ундалма, бадиий нутқ.*

В данной статье исследуется место обращения в речевом акте, как одной из сложных синтаксических единиц.

***Ключевые слова:** речевой акт, локутив, иллокутив, перлокутивный акт, обращение, художественная речь.*

This article considers some ideas about interjections as complex syntactic unit of speech act.

***Key words**: Speech act, lokutory, illocutory and perlokutory acts, addressing, literary speech.*

Маълумки, мулоқот жараёнида сўзловчи ўз фикрларини ифодалаш учун нутқда турли воситалардан фойдаланади. “Одатда, коммуникатив вазиятнинг уч асосий унсури мавжуд бўлади, яъни сўзловчи, тингловчи ва мавзу ёки ахборот. Сўзловчи муайян ахборотни тингловчига етказиш учун, албатта, восита - тегишли канални танлайди. Табиийки, асосий канал тилнинг ўзидир” [2]. Ҳақиқатан ҳам қайд этилган “мазкур уч унсур нутқий коммуникациянинг асосий устунларидир, уларнинг биротасисиз мулоқот жараёни воқе бўлолмайди” [1].

Нутқий жараёнда сўзловчи тингловчига ахборотни етказишда унга мурожаат этиши табиий. Бундай мурожаат шаклларидан бири ундалма ҳисобланади. Ундалма бўлак тингловчининг диққатини гапшакл билан англатилаётган фикрга жалб қилиш учун хизмат қилади, бош келишикдаги синтактик бирлик билан ифодаланади, ундаш оҳанги билан айтилади: *Кеннойи, куйиб кетаётибсиз-а*. (Ҳ.Ғулом)

Ушбу мақоламизда ундалмаларнинг нутқий актдаги ўрни ҳақида фикрларимизни баён қилмоқчимиз. Сабаби, ундалма ҳозирги давр тилшунослигининг янги йўналишларидан бири бўлган прагматиканинг асосий масалаларидан бири бўлган нутқий акт тушунчаси билан боғлиқ. Ш.Сафаровнинг изоҳлашича, «Нутқий акт – маълум бир гапнинг аниқ мулоқот муҳитида талаффуз этилишидир. Нутқий акт мазмунининг шаклланиши талаффуз қилинаётган гап маъносининг сўзловчи ва тингловчи томонидан мулоқот матнига нисбатан «бойитилиши», идрок этилиши натижасидир» [3].

Прагматикада нутқий актга уч босқичдан иборат фаолият сифатида қаралади ва бу ҳаракатлар локутив, иллокутив ва перлокутив ҳаракатлари деб номланади. Сўзловчининг ўзи яшаб турган олам, воқеликни идрок қилиши ҳамда уни лисоний ва нолисоний воситалар ёрдамида ифодалаш даражаси, яъни сўзлаши локуция атамасида мужассамлашган. Перлокутив акт эса мулоқот жараёнида тингловчи фикрига таъсир этиб, янги нутқ вазиятини юзага келтириш ҳисобланади. Нутқий актлар ичида муҳим ўрин тутувчи иллокутив акт сўзловчининг фикр ифодалашда кўзда тутган коммуникатив мақсадидир. Сўзловчи мақсадининг очиқ ва яширин шаклда намоён бўлиши иллокутив акт ҳисобланади. Умуман, иллокутив тушунчаси нутқ тембри, имо-ишоралар хусусиятлари, тақиқ, илтимос, шикоят, савол, қасам, таҳдид ва бошқа маъноларга эга феълларни қўллаш билан боғлиқ турли компонентларни ўзида мужассам этади. Бу компонентларнинг моҳирона бириктирилиши, уларнинг комбинациясига, жумланинг иллокутив кучи, сўзловчининг мақсадга эришиш даражасига боғлиқдир [4].

Иллокутив акт сўзловчининг мақсади демакдир. Сўзловчи нутқий мулоқотга киришар экан, тингловчига маълум бир маълумотни етказади ёки ундан маълум бир маълумотлар олади. Бундан ташқари фикр ифодалаш жараёнида ўзининг эмоционал ҳолатини, орзу-истаклари, қаҳр-ғазаби, миннатдорчилиги ёки норозилигини ифодалаши, таклиф ёки маслаҳатларини бериши мумкин. Уларнинг барчаси замирида иллокутив акт, яъни юқорида таъкидлаганимиздек, аниқ бир мақсад ётади.

Сўзловчининг мақсади нафақат гап мазмунидан, балки гап бўлакларининг жойлашувидан ҳам билиниб туради. Хусусан, ундалма гапнинг бошқа бўлаклари билан грамматик алоқага киришмагани сабабли унинг ўрни эркин бўлади, лекин гапнинг қаерида келишига кўра, алоҳида-алоҳида вазифа бажаради. Сўзловчи тингловчининг диққатини нутқ жараёнига жалб қилишни мақсад қилиб олса, у вақтда ундалма гап бошида келади: *Эй... синглим, ҳали сен билмайсан, – деди, – у йигитни бир кўргин-да, ҳу, деб кетабергин... сен тугул, шу ёшим билан меним ҳам унга текким келди, – деди ва хахолаб юборди.(А.Қодирий) ...Ўзбек ойимнинг ўғлига қарши кинаси тағин бир неча қат ортган, аммо бу гал салом бергучига бир*

қарайдир-да, "Ўғлим, менга салом бериб нима қиласан, марғилонлиқ онангнинг дуосини ол!" деб юзини четка ўгурадир. (А.Қодирий)

Сўзловчи тингловчиларга мурожаат этиш орқали унга субъектив муносабатни ифодалашни мақсад қилиб олса, у вақтда ундалма гап ўртасида ва охирида келади. Ундалма гап орасида келса, тингловчига тегишли бўлган фикр айтилиб, унга мурожаат қилинади. Кейин фикр яна давом эттирилади.

- Сан уйлансанг биз ранжирмидик?- деди кулиб ҳожи.

- Ранжитмасангиз...

Ҳожи тузукланиб ўлтуриб олди:

- Бу ранжишдан эмас, ҳожатдан, ўғлим. (А.Қодирий)

Юсуфбек ҳожи ялт этиб хотиниға қаради. Ўзбек ойимнинг бўлса оладирған келинига эътимоди юқорилиғидан ўйлаб нетиб турмади:

-Майли, болам, буёқни ҳозир сан ўйламай қўй, деди. (А.Қодирий)

Юқорида бадиий матндан келтирилган мисоллардан ҳам кўринадики, иллокутив актда сўзловчининг фикр ифодалашда кўзда тутган коммуникатив мақсади билан биргаликда тингловчига нисбатан ижобий ёки салбий муносабати намоён бўлади, айни пайтда Юсуфбек ҳожи нутқида Отабекка нисбатан ҳижолатлик ҳолати, Ўзбек ойим нутқида киноя акс этиб турибди. Сўзловчининг эмоционал ҳолатининг бу тарзда берилиши иллокутив актнинг кўриниши ҳисобланади.

Шунингдек, нутқий актда ундалмалар сўзловчининг кучли ҳис-ҳаяжонини юзага чиқариш мақсадида ҳам айтилиши мумкин: *"Кеннойи! - деди бақириб. -Очинг!"* (Ў.Ҳошимов.) Ундашни кучайтириш мақсадида ундалма олдидан *ҳой, эй, ҳо* каби таъкид ундовлари ишлатилади. Бундай ҳолатда ундалмалардан сўнг ундов белгиси ишлатилади. *"Э домлажон! Эгилган бошни қилич кесмас деб бош эгиб келаяпсиз!"* (О.Ёқубов) Бундай ундалмалардан сўнг маънони таъкидлаш, ундовни кучайтириш учун кучайтирув таъкид юкламаларидан ҳам фойдаланилади: *"Мени бошингга урасанми, болам-ай", - деди Умарқул кулиб.* (Ҳ.Ғулом)

Нутқий актда сўзловчи нафақат ўз олдида турган тингловчига, балки узоқроқ жойдаги шахсга ҳам мурожаат қилиши мумкин. Бундай пайтларда ундалма таркибидаги охирги унли товуш чўзиқроқ талаффуз қилинишида кўринади: *Олимжон кетган томонга қараб қўлимни карнай қилганча бақирдим: "Олимжо- о-н!"* (Ў.Ҳошимов) каби.

Одатда, ундалма қатнашган гапда эга тушиб қолади, акс ҳолда нутқий ортиқчалик юзага келади. Баъзи ҳолларда сўзловчи томонидан тингловчини таъкидлаш маъносида гапда ҳам ундалма, ҳам эга қатнашиши кузатилади: *У киши... сизда...*

– Менда? Мен такси кооперативининг хўжайиниман. Менда Миродил деган бола йўқ. ***Сиз*** *адашганга ўхшайсиз,* ***синглим****.*

– Сиз... тўйимизга боргансиз...

– Мен кунда ўнта тўйга бораман. Хўп, нима дардингиз бор, эрингизни ишга олайми?

– Йўқ... адамиз беш кундан бери уйга келмайдилар. Милиса ҳам суриштириб қолди.

- Ўҳ-ҳў, синглим, милиса аралашган иш билан мениг олдимга келманг. (Т.Малик)

Ундалмалар, асосан, кишиларнинг диққатини жалб қилиш учун қўлланган сабабли кўпинча шахс билдирувчи отлар: касбига кўра, қариндошлигига кўра, келиб чиқишига кўра, мансаб-унвонига кўра, эр-хотин муносабатларига кўра отлар, эркалаш маъносидаги шахс отлари, шунингдек, шахс номлари билан ифодаланади: *- Ҳой, айланай ука, - деди, - менга қарагин, кимсан ўзинг, ўчоқнинг ичида нима қилиб куйманиб юрибсан? Жинмисан, шайтонмисан ёки жиннимисан? Қоронғи кечада нега бировнинг ўчоғига беижозат кирасан? (Ғ.Ғулом)*

Бадиий тасвирда ундалма нутқий актдан келиб чиққан ҳолда жонли ва жонсиз табиатга қаратилиши мумкин: *Очил, очил, ёрилтош, мен опамни кўрайин!* (Эртакдан) *Турналар, ҳой турналар, қанот қоқиб келинглар* (Халқ қўшиқларидан).

Фикр ифодалашда доимо қулайликка интилиш тил бирликларини нутқнинг маълум бир кўринишлари учун хослаб қўйиши нутқнинг турли кўринишларини вужудга келтирган. Тилимизда нутқнинг илмий, расмий, публицистик, бадиий матн каби турлари мавжуд бўлиб, булар ичида бадиий матн бўёқдор ва таъсирчан воситаларга бойлиги, хилма-хил жанрлари мавжудлиги, энг муҳими, тил бажарадиган муҳим ижтимоий вазифалардан бири – эстетик таъсирчанликни намоён қила олиши билан ажралиб туради.

Нутқий актнинг юзага чиқишида коммуникатив тактика (усул) муҳим ўрин тутади. Нутқий актда сўзловчи ёки адресат фикрларининг тингловчига етказилишида нутқ қаратилган шахснинг ифодаланаётган фикрга муносабати, руҳий ҳолати, яшаш тарзи каби бир қатор хусусиятлари ҳам эътиборга олинади.

Хулоса қилиб айтганда, кишилар ўртасида ўзаро алоқани таъминлашга хизмат қилувчи тил инсон нутқий фаолиятининг ҳамма томонларини ўзида қамраб олади ва функционал-стилистик имкониятларининг кенглиги ва ранг-баранглиги билан характерланади. Коммуникация жараёнида қўлланувчи тил бирликлари муаллиф индивидуал услуби ва контекстга боғлиқ ҳолда турли маъно нозикликларини намоён қилади. Айни хулосани юқорида кўриб чиққанимиз ундалмалар ҳақида ҳам айтишимиз мумкин.

Адабиётлар:

1. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Т.: Фан, 2008. – 159 б.
2. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 188 б.
3. Сафаров Ш. Прагмалингвистика.- Т.: Ўз МЭ илмий нашриёти, 2008.- 300 б.
4. Стариченок В.Д. Большой лингвистический словарь. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2008. – С.210.

Жиззах давлат педагогика институти,
2016 йил 14 октябрда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Набиева)